

ISSN 2181-7812

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
AXBOROTNOMASI



ВЕСТНИК
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

СПЕЦВЫПУСК ПОСВЯЩЁН
90 летию
профессора, д. м. н.
Д.Д. ДЖАЛАЛОВА



2023

TOSHKENT



Выпуск набран и сверстан на компьютерном издательском комплексе редакционно-издательского отдела Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста: О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском управлении печати и информации

Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом № 201/3 от 30 декабря 2013 года

реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии с прилагаемыми правилами, просим направлять

по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,

Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.

Контактный телефон: 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru

rio@tma.uz

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

Отпечатано на ризографе редакционно-издательского отдела ТМА. 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА, 2023

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Главный редактор

проф. А.К. Шадманов

Заместитель главного редактора

проф. О.Р.Тешаев

Ответственный секретарь

проф. Ф.Х.Иноятова

Ответственный за выпуск

доцент Б.А. Ешмуратов

доцент И.И. Бахриев

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

акад. Каримов Ш.И.

проф. Комилов Х.П.

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Мавлянов И.Р.

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

акад. Соатов Т.С.

проф. Ходжибеков М.Х.

проф. Шайхова Г.И.

проф. Жае Вук Чои

Члены редакционного совета

д.п.н. Абдуллаева Р.М. (Ташкент)

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Ахмедов Р.М. (Бухара)

проф. Гиясов З.А. (Ташкент)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Каюмов У.К. (Ташкент)

проф. Израилов Р.И. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Ризамухамедова М.З. (Ташкент)

проф. Сабилов У.Ю. (Ташкент)

проф. Сабирова Р.А. (Ташкент)

проф. Халиков П.Х. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

ТЎШ СУЯГИНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ АҲАМИЯТИ

Отамурадов А.З., Хасанова М.А.

Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази

Тошкент шаҳар филиали, Тошкент, Ўзбекистон

Тошкент Тиббиёт Академияси, Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация. Мақолада шахси номаълум бўлган мурдаларни, шунингдек бўлакланган мурдаларни шахсини аниқлашда (идентификациялаш) суд-тиббий экспертлар ва ҳуқуқ-тарғибот идоралари ходимлари олдида турган қийин ва долзарб вазифаларни ечишда ва шахс айнанлигини аниқлаш экспертизасинининг ўтказилишида адолатни қарор топтиришда аҳамиятга эга бўлган маълумотлар келтирилган. Текширувда ҳар хил ёшдаги ва жинсдаги инсонлар ва ҳар хил миллатга (рус, қирғиз, монгол, ўзбек, туркман, грузин, осетин, армян, татар, тожик ва бошқалар) мансуб бўлган ҳудуд вакиллари орасида олиб борилган.

Калит сўзлар: тўш суяги, ёшга боғлиқ хусусиятлари, ёш, идентификация.

Долзарблиги. Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази тиббий криминалистика экспертизасида текширув объектларидаги ўтмас, ўткир, ўқ отар қуроллар, электр токи ва бошқа омилар таъсирида вужудга келган жароҳатларнинг характери ва механизмини аниқлаш, объектлардаги жароҳатларни текшириб шикастловчи жисми аниқлаш, суяк қолдиқларини текшириб тур, жинс ва ёш мансублигини, бўйини, қўмилиш муддатини ва шахс айнанлигини аниқлаш, тирик шахсларнинг ёшини аниқлашда рентген текширувлар ўтказиш, суд-тиббий экспертиза объектларидаги турли изларининг шаклини ва ҳосил бўлиш механизмини аниқлаш, суд тиббиёти ва бошқа чегарадош соҳалар (антропология, криминалистика ва бошқа) талаб этадиган тадқиқотлар ўтказилади.

Шахси номаълум бўлган мурдаларни, шунингдек бўлакланган мурдаларни шахсини аниқлаш (идентификациялаш) суд-тиббий экспертлар ва ҳуқуқ-тарғибот идоралари ходимлари олдида турган энг қийин ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу турдаги экспертизалар одатда мураккаб бўлиб, кўп меҳнат талаб қиладиган экспертизалар қаторига киради. Бундай экспертизалар ҳамма вақт ҳам экспертиза олдида ҳал қилиш учун кўйилган вазифаларни тўла ечиш имкониятига эга бўлмайди.

Суд тиббий текширув услубларида, яъни ҳар қандай тиббий криминалистик текширувларда шахси номаълум мурдаларнинг айнан ёшни аниқ айтиш имконияти бўлмайди. (кун, ой, туғилган йил). Бу текширув услублари жинс, ирқий хусусиятлар, шарт-шароит ва турмуш тарзига ва ҳоказоларга боғлиқ, индивидуал хусусиятларнинг катта тебраниши билан боғлиқ бўлади, шунинг учун тиббий криминалистик текширув вақтида тахминий суяк ёшлари аниқланади. Айни пайтда шахс айнанлигини аниқлаш бўйича тўш суягини суд тиббий экспертизасини такомиллаштиришни ўрганиш нафақат суд тиббиёти, балки тиббиётнинг бошқа соҳалари мутахассислари учун муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Тўш суягининг ривожланишини ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, ёшни аниқлаш ҳолатларида суд-тиббий экспертизаларни ўтказишни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот материали ва усуллари. Суд тиббий адабиётлардаги маълумотларга таянган ҳолда, тўш суягининг суяккланиш жараёнини ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мақсадида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази ва Тошкент шаҳар филиали тиббий криминалистика бўлими экспертлари томонидан 2015-2021 йиллар оралиғида тўш суягини рентгенологик ва анатомарфологик текширувлар ўтказилди. Ушбу текширувда ҳар хил ёшдаги ва жинсдаги инсонлар ва ҳар хил миллатга (рус, қирғиз, монгол, ўзбек, туркман, грузин, осетин, армян, татар, тожик ва бошқалар) мансуб бўлган ҳудуд вакиллари орасида олиб борилган. Бу текширувлар тиббий криминалистлар томонидан юқорида қўрсатиб ўтилган 2015-2021 йиллар давомида тўш суякларини ўрганиб, уларнинг шаклланиш жараёнида ҳар хил ўзгаришларга учрашини ҳисобга олган ҳолда тўш суягининг ёшга нисбатан ривожланиш босқичларини аниқлаш мақсадида текширув таҳлили ўтказилган.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази ва Тошкент шаҳар филиали тиббий криминалистика бўлими тиббий криминалистлари томонидан 2015-2021 йиллар оралиғида тўш суягини рентгенологик ва анатомарфологик текширувлар ўтказилди. Жами 1111 та тўш суякларни ўрганилган бўлиб, жумладан 898 та эркаклар ва 213 та аёллар ҳисобланади.

1 жадвал

Тўш суягининг ёш бўйича таҳлили

№	ёши	сони
1	10-19 ёш	9 та
2	20-29 ёш	46 та
3	30-39 ёш	156 та
4	40-49 ёш	285 та
5	50-59 ёш	363 та
6	60 ёшдан юқори	252 та

Тўш суякларининг шаклланиш жараёнида ҳар хил ўзгаришларга учрашни ҳисобга олган ҳолда, суякланиш жараёнини ўзига хос хусусиятларини, ривожланишни бир неча босқичида йиллар давомида бир қанча ўзгаришларга учрашишни инobatга олиб, тўш суягини куйидаги ёш босқичларга бўйича ўрганилди.

2-жадвал

Аёллар тўш суякларининг ёш бўйича таҳлили

№	ёши	Сони
1	10-19 ёш	4 та
2	20-29 ёш	14 та
3	30-39 ёш	25 та
4	40-49 ёш	47 та
5	50-59 ёш	66 та
6	60 ёшдан юқори	57 та

3 жадвал

Эркаклар тўш суякларининг ёш бўйича таҳлили

№	Йиллар	Сони
1	10-19 ёш	5 та
2	20-29 ёш	32 та
3	30-39 ёш	131 та
4	40-49 ёш	238 та
5	50-59 ёш	297 та
6	60 ёшдан юқори	195 та

2015-2021 йиллар давомида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази ва Тошкент шаҳар филиали тиббий криминалистика бўлими экспертлари томонидан ўрганилган эркак ва аёл мурдаларидан олинган тўш суякларининг суякланиш жараёнини ўзига хос хусусиятларини, ўлчамлари ва шакли, бирлашиш юзаларини характери, қовурға уйиқчалари ва тўш суягининг айрим белгилари аҳамиятга олиниб, йиллар давомида бир қанча ўзгаришларга учрашишни ва ўзига хослигига қўйидагича аниқлик киритилди:

10-19 ёшгача тўш суяги ясси суяк-тоғай тўқимасидан иборат бўлиб, фронтал юзада жойлашади, ҳамда дастак, тана ва ханжарсимон ўсиқдан иборат бўлган, оч жигаррангли бўлади. Тана қисмининг сегменлари оралиғида тоғайли қавати кўриниб туради. Бирлаштириш ядроларининг пайдо бўлиши, тана қисмининг сегментлари бирлашишида кузатилди. Дастак, тана ва ханжарсимон ўсиқлари оралиқлари тоғайли қатламдан иборат бўлади. Тўш суяги дастак қисмининг юқори бурчакларида ўмров суяги ва 1-чи қовурға бирлашиш юзалари майдончаси фарқланади; тана қисмининг 3-чи сегментида қовурғалар қўшилиш майдонлари фарқланади. Тўш суяги дастагидан бўйинтуруқ венаси бўртиғи шакланган ва 2-чи қовурға бирлашиш юзаси юзага келади. Тўш суяги танаси сегментлари орасида кам аниқланадиган чегаралар бўлиши кузатилади.

20-29 ёш. Тўш суяги - қўл билан ушлаб

қўрилганда бироз енгил бўлади. Тўш суягининг танасини 1 ва 2-чи сегментлар оралиғидаги бирлашиш аниқланмайди. Тана қисмининг бўғимлар оралиғи баъзи қисмларида майда тишсимонлиги аниқланади. Дастак қисми пастки четлари майда тишсимон ўсиқлари бўлади, ханжарсимон ўсиғи танаси билан бўғимлар аро тоғай тўқималарида суякланиш (синостоз) жараёнлари кузатилмайди, Қовурға уйиқлари четларида ўсиқлар аниқланмайди. Тана қисмининг қовурға уйиғи деярли текис, 3-чи қовурға уйиғи чуқурлиги 1-8 ммдан 10 ммгача. Ҳамда тўш суяги дастаги тана қисми билан бирлашган, дастак қисмининг бўғим четлари бироз қаттиқлашган.

30-39 ёшда. Тўш суяги ясси суяк бўлиб, фронтал текисликда жойлашган, дастак, тана ва ханжарсимон ўсиқдан иборат, оч жигаррангли, қўл билан ушлаб қўрилганда енгил бўлади. Қовурға уйиқлари четларида экзостозлар борлиги кузатилади, дастак қисмининг пастки четида ва тана қисмининг ён четларида майда тишсимон бўғимлар оралиғи аниқланади, ханжарсимон ўсиғи танаси билан бўғимлар аро тоғай тўқималарида суякланиш (синостоз) жараёнлари ҳам кузатилади, тўш суягининг юзаси нотекис, пўстлоқсимон. Бирлашиш излари барча сегментлар оралиғида (қовурға уйиқлари оралиғи, тирқишлар, чуқурликлар) аниқланади.

40-49 ёшда. Тўш суяги - қўл билан ушлаб қўрилганда енгил бўлади, дастак тана қисми ва ханжарсимон ўсиғи билан бирлашиб кетган ёки суякланиш (синостоз) жараёнида бўлади, тўш юзаси нотекис, баъзи қисмларида бўртиқли, қовурға уйиқларида суяк ўсиқлари бўлади. Тўш суяги тана қисми сегментлари орасидаги бирлашиш излари йўқолган.

50-59 ёш. Тўш суяги - ясси суяк бўлиб, фронтал текисликда жойлашган, дастак, тана ва ханжарсимон ўсиқдан иборат, оч жигаррангли, қўл билан ушлаб қўрилган енгил, нозик, дастак қисми тана ва ханжарсимон ўсиқ билан бирлашиб кетган, тўш суяги юзаси нотекис, баъзи жойларида бўртиқли, қовурға кесимларида суяк ўсиқлари аниқланади.

60 ва ундан юқори ёш. Тўш суяги - ушлаб қўрилганда енгил, нозик, дастак тана қисми ва ханжарсимон ўсиғи билан бирлашиб кетган (синостоз), тўш юзаси нотекис, баъзи қисмларида бўртиқли, тана қисмининг бўғим четларида қанотсимон ўсиқларга эга, ҳамда баъзи қисмларида ўчоқли компакт пластинанинг емирилиш белгилари аниқланади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, тўш суягининг суякланиш жараёнини ўзига хос хусусиятларига асосланиб суяк ёшни аниқлаш учун таклиф этилаётган ушбу услуб суд тиббий криминалистика амалиётида қўшимча услуб сифатида экспертиза учун бир дона тўш суяги тақдим этилган холатларда экспертиза олдиға ҳал қилиш учун қўйилган вазифани ечиш учун ишлатилиши мумкин.

Адабиётлар.

1. Абрамов С.С. и др. Медико-криминалистическая идентификация //Настольная книга судебно-медицинского эксперта / под общ. ред. д. м. н. проф. В.В.Томилина. - М.: Норма-Инфра, 2000. - 465 с.
2. Григорьева М.А. Определение варианта массивности скелета и вероятного типа телосложения при идентификации личности по костным останкам //Судебно-медицинская экспертиза. - 2001. - № 4. - С. 22-28.
3. Григорьева М.А. Применение дискриминантного анализа в оценке соматотипа человека по длинным костям конечностей //Судебно-медицинская экспертиза. - 2004. - № 1. - С. 28-31.
4. Звягин В.Н., Анушкина Е.С. Определение возраста детей по фрагментам свода черепа с использованием современных методов исследования //Судебно-медицинская экспертиза. - 2018. - №6. - С. 13-16.
5. Звягин В.Н., Галицкая О.И., Аунапу С.А. Краниометрическая диагностика массивности скелета и соматотипа //Судебно-медицинская экспертиза. 2002. - № 5. - С. 7-12.
6. Мальха В.А., Эделев Н.С., Тучик Е.С. Судебно-медицинские критерии определения возраста по щитовидному хрящу при идентификации личности детей //Вестник судебной медицины. - Новосибирск, 2019. -№1. - С. 20-23.
7. Потеряйкин Е.С., Авдеев А.И. Судебно-медицинское значение особенностей строения костной ткани при выраженных дистрофических изменениях костного органа //Избранные вопросы судебно-медицинской экспертизы. - Хабаровск, 2021. - №20. - С. 120-121.
8. Пиголкин Ю.И. и др. Определение возраста человека по костной ткани //Судебно-медицинская экспертиза. - 2012. - № 1. - С. 49-52.
9. Чертовских А.А., Тучик Е.С. Возрастные изменения суставной впадины лопатки //Судебно-медицинская экспертиза. - 2019. - №2. - С. 31-33.



Choriyev B.A., Primov Kh.N., Bakhriev I.I., Saydakhmedov M.K., Mirzamukhamedov O.Kh., Sobirova D.R. MORPHOLOGICAL ASPECTS OF ASEPTIC NECROSIS OF THE FEMORAL CAPITIS AFTER COVID-9	143
Чориев Б.А., Турсунов Х.З., Бахриев И.И., Махмудова У.М., Примов Х.Н. КАМ УЧРАЙДИГАН КЎКС ОРАЛИҒИ ТЕРАТОМАСИ.....	147
Шопўлатов И.Б., Индиаминов С.И. КАЛТА НАЙСИМОН СУЯКЛАР СИНИШИ МУДДАТИНИ АНИҚЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИХАТЛАРИ.....	151
Цюпко Е.В., Краснова А.П., Юсупова А.А., Алябьев Ф.В. СОПОСТАВИМОСТЬ РЕАЛЬНЫХ И ЦИФРОВЫХ МЕТРИЧЕСКИХ ХАРАКТЕРИСТИК ЛИЦА	154
Якубов М.З., Имомов С.Т. ТРАНСФОРМАЦИЯ ЭПИТЕЛИЯ ИСКУССТВЕННО СОЗДАННОГО ВЛАГАЛИЩА ОБРАЗОВАННОГО ИЗ ТОЛСТОЙ КИШКИ	156
Якубов Х.Х., Ядгарова Ш.Ш., Номонов М.А. ПОСЛЕДСТВИЯ ЛЕГКОЙ ЧЕРЕПНО-МОЗГОВОЙ ТРАВМЫ И ИХ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ОЦЕНКА	161
СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ЭКСПЕРТИЗА ВЕЩЕСТВЕННЫХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ (АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАР СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ)	
Хасанова М.А., Ешмуратов Б.А., Бабаев Х.Н., Нуров А.Р. СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ ВЕЩЕСТВЕННЫХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ И ПУТИ РАЗВИТИЯ.....	164
Абдуллаев Б.С., Исламов Ш.Э. СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА РЕЗУЛЬТАТОВ ИССЛЕДОВАНИЯ ЭКСПЕРТНЫХ МАТЕРИАЛОВ РЕАКЦИЕЙ АБСОРБЦИИ-ЭЛЮЦИИ И МЕТОДОМ АФФИННОЙ ХРОМАТОГРАФИИ.....	167
Абдуллаев Б.С., Исламов Ш.Э. ОБНАРУЖЕНИЕ АГГЛЮТИНОГЕНОВ АВО В ПЯТНАХ КРОВИ, СМЕШАННЫХ С НЕКОТОРЫМИ ВЫДЕЛЕНИЯМИ.....	170
Азизова Р.А., Дадамухамедова Х.Э., Ибрагимов З.З., Буранова М.Б. СПЕКТРАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ПЛАЗМЫ КРОВИ БОЛЬНЫХ С ХРОНИЧЕСКИМ МИЕЛОЛЕЙКОЗОМ	173
Ахмедов Т.Ж., Ешмуратов Б.А., Бахриев И.И. АФФИН ХРОМАТОГРАФИЯ УСУЛИДА А АНТИГЕНИННГ ГУРУҶЧАЛАРИНИ АНИҚЛАШ.....	176
Жуманиёзов Э.Х., Лочинов Ф.Н., Насиров Т.К., Ахмедова Ф.Э., Кенжаева Ф.А. МУРДАЛАР СЎЛАК БЕЗЛАРИДА АГГЛЮТИНИНЛАРИННГ СУД ТИББИЁТИГА ОИД ТЕКШИРИЛИШИ	179
Лочинов Ф.Н., Жуманиёзов Э.Х., Джуманиязов Ж.Ю., Жовбуриев Т.М. ГЕМОЛИЗЛАНГАН ВА ЧИРИШ ЖАРАЁНИ БОШЛАНАЁТГАН МУРДА ҚОН ДОҒЛАРИДА АГГЛЮТИНИНЛАРИНИ АНИҚЛАШ	182
Лочинов Ф.Н., Ганиева Н.Х., Халдаров Д.Б., Икрамов А.У. ИССЛЕДОВАНИЕ АГГЛЮТИНИНОВ В ПЯТНАХ КРОВИ, ПОДВЕРГШИХСЯ СУХОВОЗДУШНОЙ ОБРАБОТКЕ	185
Мардонов Т.М., Кулиев Ш.Э., Бойманов Ф.Х. О ЗНАЧЕНИИ ИССЛЕДОВАНИЯ ПЯТЕН КРОВИ НА ВЕЩЕСТВЕННОМ ДОКАЗАТЕЛЬСТВЕ	187
Отамурадов А.З., Хасанова М.А. ТЎШ СУЯГИНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ АҲАМИЯТИ.....	192
Отамурадов А.З., Хасанова М.А. ТЎШ СУЯГИНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚ ХУСУСИЯЛАРИНИ РЕНТГЕНОЛОГИК ВА АНАТОМОРОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.....	195
Рўзиева З.М., Расулов М.Б., Турсунова Г.У., Хушвақова З.О., Қодиров Ф.Т. ҚИН АЖРАЛМАЛАРИ АНТИГЕНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	197